

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQOLASH ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

Tibbiyotning oliy
maqsadi — inson
salomatligiga
erishishdir.

Высшее благо
медицины —
здоровье.



♦ Gazeta 1995-yil oktabr oyidan chiqqa boshlagan. E-mail: uzss@inbox.ru ♦ № 11 (475) 2006-yil 14-20 mart ♦ Seshanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda

Очиқ мулоқот

ҲАҚҚОНИЙЛИК НУҚТАИ НАЗАРИДАН

Жорий йилнинг 13 март кунин Узбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мажлислар залида вазирлиқнинг мутасадди раҳбарлари билан оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида «Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохот жараёнларининг бажарилиши ҳамда тиббиётнинг бугунги кундаги аҳоли қай даражада эканлиги ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматнинг ўрни» мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирни Узбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров кириш сўзи билан очиб, республика тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, қўлга киритилган ютуқлар баробарида баъзи бир камчиликларга йўл қўйилаётганлиги, шунингдек, тиббиётнинг бошқа соҳалар каби илғорлашиб бораётганлиги, замон талаби даражасидаги тиббиёт муассасаларининг янгича технологиялар билан жиҳозланганлиги ҳамда муассасаларда малакали кадрларнинг фаолият кўрсатаётганлиги хусусида тўхталди. Айниқса, Республика шовилинч тиббий ёрдам илмий маркази, унинг вилоятлардаги филиаллари ва бўлимлари, ихтисослаштирилган марказлар, бирламчи тиббий санитария ёрдамини кўрсатиш тизимларидаги фаолиятлар бугунги давра талабига тўла мос келишини фойда билан тилга олди.

Шундан сўнг, оммавий ах-



борот воситалари ходимлари ҳозирги кунда тизимдаги муваффақиятлар билан бир қаторда долзарб масалалар мавжудлигини ўз фикрларида баён этишди. Улар билдирган эътирозлар орасида тиббиёт муассасаларида йўл қўйилган хатокамчиликлар, пуллик ва бепул тиббий хизматлардаги айрим тушунмовчиликлар, бемор билан шифокор ўртасидаги мулоқот, қалбаки дори-дармонларнинг халқ эҳтиёжи учун ноўрин қўлланиши, таъмагирлик ҳамда кадрлар тайёрлаш масаласи каби муаммоларнинг ўртага ташланиши аҳоли ўртасида оғриқли нуқта эканлиги билан

иштирокчиларни мулоҳаза ва мушоҳадага чорлади. Журналистларнинг юқоридаги оғриқли саволларидан вазирлиқнинг мутасадди раҳбарлари тўғри хулоса чиқарган ҳолда ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбир якунида Соғлиқни сақлаш вазири Ф. Назиров журналистларнинг тиббиёт тизимида билдирган эътирозли фикр-

Дарҳақиқат, журналистларга Президентимиз томонидан юксак ишонч билдирилган экан, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳар бир соҳада мукамал даражада фаолият юритиб, мавжуд масалаларга ҳаққонийлик нуқтаи назаридан ёндошсалар мақсадга мувофиқ бўларди.

Ибодат СОАТОВА,
Асен НУРАТДИНОВ
олган сурат.

Дил изҳори

БИР УМР ТАЪЗИМДАМАН

Оқ халат сен учун
кундалик либос,
Касбинга қўйибсан
мунчалар ихлос.
Дилларда уйғотар
ҳавас, эҳтирос,
Меҳр-мурувватинг
ғўзал шифокор.

Гоҳида туну кун
ололмайсан дам,
Дардмандлар дардига
бўлай деб малҳам.
Юртдошлар бахти бўл,
ён мисоли шам,
Қуёшдек меҳр нурунг
кулсин шифокор.

Бу ўткинчи дунёда инсонларнинг бир-бирига нисбатан самимий, чинакам меҳр-оқибатли бўлишлари киши ҳаётини янгича маъно, мазмун билан бойитиб, завқли яшашга ундайди...

Яқинда соғлигим ёмонлашиб, Бухоро вилоят болалар юқумли касалликлар шифохонасига мурожаат қилганимда, мени чехрасидан нур таралиб турувчи шифокор Латиф Қосимов илик қутиб олган, зудлик билан тиббий кўриқдан ўтказиб, аниқ ташхис қўйди ва муолажаларни бошлаб юборди. Маълум муддат ўтиб, соғлигим аста-секин тиклана бошлади. Чунки, бу ерда нафақат менинг, балки бошқа беморларнинг соғлиги учун ҳам ўзларини масъул ҳисоблаган барча тиббиёт ходимлари, яъни шифохона бош шифокори И. Нарзиев, II бўлим мудри А. Тешаев ҳамда бир-биридан чаққон, ширинсўз, ўз касбининг моҳир усталари бўлмиш ҳамширалардан Г. Олтиева, Х. Хамроева, Г. Хожиева, Ш. Қиличева ва бошқа нажоткорларимга сеvimли нашрим бўлмиш «Узбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» газетаси орқали самимий миннатдорчилигини билдириб, уларга тани-соғлиқ, оилавий бахт тилаб, қўллари асло дард кўрмаслигини Яратгандан сўраб қоламан.

Шунингдек, ушбу шифохонага бундан 15 йил муқаддам онамни оғир аҳволда олиб келган эдим. Ушанда ҳам таърибли шифокор Латиф Умарович Қосимов онамни даволаб оёққа тургазиб, оиламизга қувонч бахшида этганди. Шу боис, ажойиб инсон, ҳаётини эзгулик ишларига бахш этган, фақат кишиларга яхшилик қилиш хисси билан яшаётган бағрикенг, чехрасидан нур таралувчи отахон шифокор Латиф Қосимовга дил изҳорини билдириб, у кишига муштаҳам соғлиқ, узок умр, келгуши ишларида омад ёр бўлишини тилаб қоламан.

Райхон ОДИЛОВА,
Бухоро вилояти.

ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

Жорий йилнинг 11-12 март кунлари республикамик микёсида умумхалқ ҳашари ўтказилди.

Ушбу ҳашарда барча муассаса ходимлари иштирок этиб, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этдилар. Ҳашар — элга ярашар деганларидек, тадбирда тиббиёт ходимлари ҳам қатнашиб, атроф-муҳит тозаллигига эътибор берган ҳолда йўлақлар ҳамда муассаса атрофларига ниҳол ва гул қўчатларини ўтқазишди. Шунингдек, тиббиёт олий ўқув юртлири ҳамда коллежларининг ўқитувчи ва талабалари ҳам ушбу умумхалқ ҳашарида ўзларининг таҳсинга лойиқ меҳнатлари билан иштирок этдилар. Таъкидлаш жоизки, бундай тадбирнинг ўтказилиши юртимизнинг янада гуллаб-яшнашида ва атроф-муҳит озодлигидида муҳим аҳамият касб этади.

УШБУ СОНДА:

Ўзбекистонда
DOTS
дастури:

3-бет.

ЭРИШИЛГАН
ЮТУҚЛАР
ВА
КЕЛАЖАКДАГИ
РЕЖАЛАР

АЙРИМ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ҲИСОБА
ОЛИШ ТИЗИМИДА СТАНДАРТ ТАЪРИФЛАРНИ
АМАЛГА КИРТИШ ТЎҒРИСИДА
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш
вазирлигининг 631-сонли буйруғи
Тошкент шаҳри, 2005 йил 27 декабрь

4-5-6-бетлар.

ЯНГИЛИКЛАР

• НОВОСТИ
• СОБЫТИЯ
• КОММЕНТАРИИ

ЯНГИ ДАСТУР МУҲОКАМАСИДА

9-10 март кунлари пойтахтимиздаги «Халқаро ҳамкорлик маркази (Бизнес-центр)»да Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Бутундунё соғлиқни сақлаш ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Саломатлик-2» лойиҳаси кўмаги билан «Ўзбекистон Республикасида тамаки чекишга қарши Миллий дастур»нинг ишлаб чиқишига бағишланган конференция бўлиб ўтди.



Тадбирни Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги вакили Райзер Мартн кириш сўзи билан очиб, янги дастурнинг олдига қўйган мақсадлари, келажақдаги вазифалар ва дастур муҳокамаси юзасидан мутахассисларни ҳамжиҳатликка чақирди. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Н. Шарапов ўз маърузасида тамаки чекишнинг олдини олиш борасида нафақат дастур олдидagi вазифалар, балки ҳар бир ташкилотнинг бу йўлдаги тинимсиз сай-ҳаракатлари ва тамакига қарши курашувчилар даражасини ошириш ўта зарур эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Мазкур дастурдан қўзланган асосий мақсад тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш фаоллигини сусайтириш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва чекишнинг олдини олиш бўйича назоратни кучайтириш ҳамда кашандалик оқибатида келиб чиқадиган касалликлар ва ўлим ҳолатларини камайтиришга қаратилган. Йиғилиш давомида мутахассислар, тегишли ташкилот вакиллари янги дастур режалари тўғрисида фикр юритар экан, жумладан, тайёр тамаки маҳсулотлари ички бозорини тартибга солиш, импорт ва экспорт жараёнларини доимий назорат остига олиш, шунингдек, тамакига мойиллиги бор курашувчиларга нисбатан тиббий ва психологик ёрдам ташкил қилиш масалаларини ўртага ташладилар.

Икки кун давом этган конференция том маънода аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида янги поғоналарга замин яратди.

Намоз ТОЛИПОВ.

ШОДИЁНА ТАРОВАТИ

Жорий йилнинг 7 март кунини Тошкент шаҳри, Бектемир тумани маданият ва спорт саройида туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ходимларининг 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирни туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси бош шифокори К. Ботиров кириш сўзи билан очиб, тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган ва республикадаги барча хотин-қизларни баҳорнинг ilk байрами билан самимий муборакбод этди. Шунингдек, уларнинг жамиятимизда тутган ўрни, халқимиз саломатлиги йўлида кўрсатаётган фидокорона меҳнатларини алоҳида таъкидлади.

Туман ҳудудий тиббиёт бирлашмасига қарашли бўлган тиббиёт масканларида ҳалол меҳнат қилиб келган, айна пайтда қариллиқ гаштини сураётган фидойи онахон ҳамшира ва кичик тиббиёт ходимларига эсдалик совғаларини топширди.

Тадбир сўнггида туман маданият ва спорт маркази ҳамда муассаса ходимлари иштирокида аёлларни мадҳ этувчи сахна кўринишлари, хонандаларнинг куй-қўшиқлари иштирокчилар қалбида баҳорий кайфият уйғотди.



ҲАМКОРЛИК МЕВАЛАРИ...




Жумладан, жорий йилнинг 13 февраль кунини 1-Республика тиббиёт коллежида ўтказилган ҳамкорлик тадбири ҳам юқоридаги фикримизнинг ёрқин далилидир. Япония Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги (JICA) томонидан коллеж таркибидаги «Ҳамширалик таълими маркази» ва Республика шойлининг тиббий ёрдам илмий марказига ҳамширалик таълимини ривожлантириш мақсадида асбоб-ускуналар учун 54 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди.

Набатдаги учинчи семинар-

Кейинги пайтда республикадаги мавжуд соҳаларнинг барчасида хорижий давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Махсус лойиҳалар тузилиб, шу режа асосида иш олиб боришмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизнинг турли жабҳаларида фаолият юритаётган мутахассисларнинг хорижий давлатлардаги ҳамкасблари билан тажриба алмашиши ва бир-бирини қўллаб-қувватлашлари ҳам ўз самарасини бермоқда.



да асбоб-ускуналарнинг тақдими ўтказилишидан сўнг, 2006 йилнинг сентябрь ойида намунали коллеж сифатида олинган 1-Республика тиббиёт коллежида «Ҳамширалик иши асослари» бўлими бўйича янги ўқув дастурининг киритилиши, шу билан бирга қилини ҳамшираларнинг ўқитилиши режалаштирилди. 2009 йилгача эса эришилган ютуқларга баҳо бериб, Ўзбекистон бўйича 60 га яқин бўлган тиббиёт коллежларига янги ўқув дастурининг киритилиши мақсад қилиб белгиланди.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорига биноан дастурнинг 1-бўлим 21 бандида чекка ва экологик жиҳатдан нуқулай минтакалардаги аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни кенгайтириш мақсадида Оролбўйи минтақасига ва экологик аҳоли мураккаб бўлган бошқа туманларга мурувват юклари билан «ЭКОСАН» саломатлик поездлари ва автопоездларини жўнатиш белгиланган эди. Кеча шу Қарорнинг ижросини таъминлаш юзасидан набатдаги тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган ҳамда инсонпарварлик юки ортилган «ЭКОСАН» саломатлик поезди Хоразм вилоятига жўнаб кетди.

Оролбўйи минтақаси ҳисобланган Хоразм вилоятига Тошкент шаҳридан малакали шифокорлар, тиббиёт соҳасидаги илмий ходимлар ва бошқа мутахассислар 8 кун давомида вилоятнинг узок кишлоқларида бўлиб, у ердаги аҳолини тиббий қўриқдан ўтказадилар ва ўзларининг инсонпарварлик ёрдамларини топширадилар. Шунингдек, шифокорлар мазкур вилоятдаги ҳамкасблари билан ҳамкорликда юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича комплекс тадбирлар ўтказишни режалаштирганлар. Жами 50 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдами бугуннинг ўзидаёқ ёрдамга муҳтож ҳудудларга тарқатилди.

Зилола РАҲИМБЕКОВА,
ТДПУ талабаси.

ХАЙРИЯ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИАДИ

ми бошлиғи Б. Қўзиев ва Республика хотин-қизлар кўмитасининг вакили Н. Туриевалар кириш сўзи билан очиб, мазкур шифохонада фаолият юритаётган кам таъминланган оилаларга, яъни ҳамшира ва кичик тиббиёт ходимларига хайрия совғаларини топширдилар. Шунингдек, шаҳар марказий шифохонаси учун 50 та жамлама ёстиқ ва кўрпа-тўшақларга жилдлар, зарарсизлантирувчи воситаларни тақдим этишди.

Бундан ташқари, мазкур муассасада фаолият юритаётган барча шифокорларни «Экосан» халқаро ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган Низом асосидаги кўрик-танловда, яъни «Энг яхши шифокор», «Энг яхши санитар шифокори», «Энг яхши оила шифокори» каби танловларда иштирок этишни тақлиф қилди ва гоилбларни қимматбаҳо совғалар қутаётганлигини таъкидлади.

Холмурод РАББАНАЕВ.



Суратлар муаллифи Асен НУРАТДИНОВ.

Ўзбекистонда DOTS дастури:

ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР ВА
КЕЛАЖАКДАГИ РЕЖАЛАР

2003 йил май ойида Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Ўзбекистонда 2004-2008 йилларга мўлжалланган сил касаллигини камайтириш ва уни олдини олиш давлат стратегик дастури» чиқарилди. 2003 йилда мамлакатимизнинг 5 вилоятида DOTS дастурини татбиқ этиш учун GDF (Дори билан таъминлаш глобал жамғармаси) ташкилоти орқали мамлакатимизга силга қарши дорилар келтирилди. 2004 йилда DOTS дастурининг 2004-2008 йилларда кенг татбиқ этилишини ҳисобга олиб, ОИТС, сил ва малярияга қарши курашиш Глобал жамғармасига мурожаатнома юборилди ва 14 миллионга яқин АҚШ доллари миқдорига грант олинди. Ушбу грант 2005 йилдан бошлаб беш йил давомида мамлакатимизнинг барча вилоятларига DOTS дастурини татбиқ этиш учун ажратилди. Силга қарши олиб берилаётган курашда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўрни каттадир. Республикада DOTS дастурини кенг ва самарали татбиқ этиш мақсадида 2001 йилда вазирлик қошида Республика DOTS маркази ташкил этилди. 2003 йилда вазирлиكنинг «Силга қарши курашиш тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида»ги 160-сонли буйруғи чиқарилди ва бунга асосан ЖССТ тавсия этаётган DOTS дастури Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида устувор ва мажбурий деб белгиланди. ЖССТ тавсияларига мувофиқ равишда умумий даволаш тизими ҳамда силга қарши курашиш муассасалари фаолиятларининг ўзаро боғлиқлиги ва ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Янги дастурга асосан умумий амалиёт тизими барча касалликлар сингари сил касаллигини ҳам эрта аниқлаш, касаллик ташхиси, беморларни назорат қилиш ва касаллик юқумсиз бўлган ҳолатлардагина амбулатор назоратдаги даволашни ҳам олиб боришлари лозим.

Республика DOTS марказининг кенг доирада кўрсатаётган амалий ёрдами натижа-сида 2004 йилдан бошлаб DOTS дастури Ички ишлар вази-рлигига қарашли жазони ўташ жойларида ҳам бошлаб юборилди. Дорилар ва бошқа жихозлар КfW банки томони-дан тақдим этилган.

ЖССТ билан биргаликда турли халқаро ташкилотлар (КfW банки, «Чегара билмас шифокорлар», USAID, project HOPE, CDC, Қизил ярим ой ва Қизил Хоч жамиятлари, Жаҳон Банки, Damien фонди, GDF) Ўзбекистон билан кенг камровли ва кўп қиррали алоқаларни ўрнатиб, силга қарши курашда мамлакатимизга катта ёрдам кўрсатмоқдалар.

Чегара билмас шифокорлар (MSF) ташкилоти Орол-бўйи минтақасида 1998 йил-

Ўзбекистонда соғлиқни сақлашдаги ислохотлар сил касаллигига қарши курашнинг янги, такомиллашган давлатимиз ҳамда мамлакатимиз аҳолиси учун ҳар томонлама қўлай бўлган йўналишларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунда ЖССТ томонидан тавсия этилаётган DOTS дастури, шу касаллик билан курашишда асос қилиб олин-моқда. Ҳукуматимизнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши DOTS дастурини энг асосий томо-ни ҳисобланиб, бу борада ҳозирги кунда республикаимизда қўллаб ишлар амалга оширилмоқ-да. Сил касаллиги бўйича давлатимизнинг бир қанча муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлари мавжуд. Жумладан, 2001 йил 11 майда чиқарилган Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини сил касаллигидан ҳимоя қилиш» Қонуни, «Германия ҳукумати томонидан берилаётган грант-ларнинг мақсадли ишлатилиши тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. «Сил касаллигига қарши курашиш дастурлари – 1, 2, 3»ни амалга ошириш учун 2001 йилда 7,5 миллион евро миқдоридagi Германия Федератив Республикаси (КfW-банки) грантлари олинди ва бу дастур доирасида мамлакатимизнинг 9 та вилояти сил касаллигига қарши ишлатиладиган дорилар, лаборатория анжомлари ва реактивлари, ўқув жихозлари ҳамда ав-тотранспорт билан таъминланди. Яна бир Германия тараққиёт банкининг 2,5 миллион евро миқдоридagi гранти «Сил касаллигига қарши курашиш дастури – 4» доирасида аҳоли ораси-даги ва пенитенциар тизимидаги сил касаллигига чалинган беморларни даволашга ва унга қарши тадбирларни яхшилашга қаратилган.

дан бери техник ёрдам кўрсатиб келмоқда. 2003 йилнинг ок-тябрь ойида MSF ташкилоти-нинг кўмағи остида Нукус шаҳ-рида замонавий асбоб-ускуна-лар билан жихозланиб, 50 ўринга мўлжалланган шифо-хона ишга тушди. Бу янги шифо-хонада дориларга чидамли бўлган оғир сил турларини ян-гича (DOTS-Плюс лойиҳаси асосида) даволаш усуллари жорий қилинди.

АҚШнинг USAID ташкилоти молиявий кўмағи асосида, ХОУП ташкилотининг техник ёрдами натижа-сида Фтизиатрия ва пульмонология ИТИ қошида Референс-лаборатория ташкил этилди. Шунингдек, 2003 йилда мазкур муассаса қошида Марказий Осиёда ягона бўлган, замонавий талаб-ларга жавоб берадиган Сил касаллигини назорат қилиш ва олдини олиш ўқув маркази очилди. АҚШнинг СиДиСи ва ХОУП лойиҳаси томонидан ушбу ўқув марказининг ташкил этилиши, АҚШ Халқаро Ривож-ланиш Агентлигининг (USAID) молиявий кўмағида амалга оширилди.

2005 йилдан бошланадиган Жаҳон Банкининг «Саломатлик-2» лойиҳаси бўйича Навоий ва Жиз-зах вилоятларида DOTS дасту-рини татбиқ этиш учун 500 минг АҚШ доллари миқдориди-да маблағ ажратилди.

Давлатнинг бундай қўллаб-қувватлаши ва халқаро ташки-лотларнинг бераётган ёрда-млари ЖССТ томонидан қўйла-ётган глобал мақсадларга (мус-бат суртмага эга бўлган бемор-ларнинг 70 %ини аниқлаш ва аниқланган беморларнинг 85 %ини самарали даволаш) эри-шишга ундайди.


ЖССТнинг тавсияларига та-янган DOTS (Directly Observed Treatment with Short course) – бевосита тиббий ходим назо-рати остидаги қисқа муддатли кимёвий даволаш курси дасту-рини 1998 йилда мамлака-тимизнинг бир неча туманла-рига ЖССТ томонидан бирин-чи бор киритилди. Ўзбекистон-да силга қарши курашдаги DOTS дастури ҳаётга изчил жорий қилиниб, 8 йил мобай-нида мамлакатимизда босқич-ма-босқич татбиқ этилмоқда. Ўтган вақт мобайнида Респуб-лика DOTS маркази, Фтизиат-рия ва пульмонология ИТИ ва барча халқаро ташкилотлар иштирокида 500 дан ортқ DOTSнинг барча соҳалари бўйича тренинг-семинарлар

ташкил қилинди. Бу семинар-ларда 30 мингга яқин тиббиёт ходимлари қатнашдилар ва DOTS дастури бўйича билим-га эга бўлдилар. Шу йиллар давомида республикаимизнинг 4000 дан ортқ DOTS дастури билан ишлайдиган тиббиёт му-ассасаларида, вилоятлар соғ-лиқни сақлаш бошқармалари-нинг кенг ёрдамлари асосида, балғам йиғиш хоналари ва DOTS бурчаклари, балғам тек-ширувчи 300 дан ортқ лабо-ратория ташкил қилинди ва за-монавий микроскоплар ҳамда реактивлар билан таъминлан-ди. Республикаимизнинг барча вилоятларига 1500 дан ортқ маҳаллий ва хорижий мутахас-сислар иштирокида 600 дан ошқ мониторинг таширфлари уюштирилди. Силга қарши иш-латиладиган дори-дармонлар таъминоти яхши йўлга қўйил-ди. Республикаимизнинг 9 ви-лоятига КfW банки, 5 вилоят-ига GDF ташкилоти дорилар-ни етказиб бермоқда. 8 вило-ят учун силга қарши дорилар 2006 йилнинг охиригача ета-ди. Қолган вилоятлар 2006 йилдан бошлаб ОСМГЖ томо-нидан дорилар билан таъмин-ланади. Шундай қилиб, 2010 йилгача сил касаллигига қар-ши ишлатиладиган дорилар барча беморлар учун етарли бўлади.

2004 йилдан бошлаб СиДи-Сининг техник ёрдами асоси-да республикаимизнинг 10 ви-лоятдаги сил беморларини эпи-демологик электрон назорат қилиш тизимига ўтилди. Барча аниқланган сил беморлари ҳақидаги ахборотлар компью-терга киритилиб, қисқа вақт-лар ичида ҳар томонлама таҳ-лил қилишга имкон яратилди. 2006 йилда барча вилоятлар-ни шу тизимга ўтказиш кўзда тутилган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг барча аҳолиси ЖССТ мутахассис-олимлари томони-дан ишлаб чиқилган бевосита тиббий ходим назорати ости-даги қисқа муддатли кимёвий даволаш дастури доирасида ушбу хасталикни замонавий ва самарали услубда аниқлаш ҳамда даволаш имкониятидан фойдаланмоқда. Сил касалли-гига қарши курашиш Давлат дастури бўйича мамлакатимиз барча аҳолисини 2005 йилнинг охиригача қамраб олиш режа-лаштирилган эди, бу вазифа эса ҳозирги кунда бажарилди.

DOTS дастури бўйича 1998-2004 йилда рўйхатга олинган янги аниқланган мусбат суртмали беморларнинг даволаш натижалари



DOTS дастурини жойлар-да татбиқ қилиш жараёни-да даволаш самарадорли-гини янада ошириш учун:

1. Умумий амалиёт тизи-мида сил касаллигига чалин-ган беморларни аниқлаш ва амбулатор шaroитда даво-лашга эътиборни қўйиштириш;
2. Сил беморларини рўй-хатга олмасдан хусусий врач-лар томонидан билиб-билмай даволашга барҳам бериш ва шу билан дориларга чидам-ли сил касаллиги келиб чи-қишининг олдини олиш;
3. Жойларда (аҳоли ва тиб-биёт ходимлари орасида) сил касаллиги ҳақида санитария-тарғибот ишларини қўйиштириш;
4. Беморларнинг чала да-волашилшининг олдини олиш;
5. Сил ва ОИВ қўшма ин-фекцияси учраганда бемор-ларга самарали ёрдам кўрсатиш;
6. Сурункали фаол сил ка-саллиги беморларини даволаш учун шaroитларни яратиш;
7. Жойларда кўрсаткичлар-ни тўлалигича таҳлил қилиш ва мониторингларни уюштириш;
8. Жазони ўташ жойлари-да DOTS дастурига қўпроқ бе-морларни қамраб олиш;
9. Санаторияларда DOTS бўйича даволашни йўлга қўйиш;
10. Маҳалла ва масжидлар-да сил касали тўғрисидаги маълумотларни аҳолига тўғри етказиш.

Республикада DOTS дасту-рини татбиқ этиш режаси 5 йилга мўлжалланган ОИТС, сил ва безгак касаллигига қарши кураш Глобал жамғар-масининг гранти билан чам-барчас боғлиқ бўлиб, 2010 йилгача ЖССТнинг глобал мақсадларига эришиш, бакте-риологик хизматни тўлиқ йўлга қўйиш, мултирезистент сил касаллиги ҳолатларини даво-лашни такомиллаштириш (DOTS-Плюс), жазони ўташ жойларидаги барча беморлар-ни DOTS дастури бўйича да-волаш, ОИВ ва сил касаллиги бирга келган ҳолатларда да-волаш самарадорлигини оши-риш, республикада сил касал-лиги бўйича компьютерлашти-рилган эпидемиологик назо-рат тизимини яратиш, дастур мониторингини ва баҳолаш, аҳолининг сил касаллиги ҳақидаги тасаввурларини оши-риш, доимий равишда анти-бактериал препаратлар билан таъминлашни йўлга қўйиш ҳамда мамлакатимизда сил касаллиги ва ўлим ҳолатлари-ни камайтиришдан иборатдир.


Абдулла Йўлдошев,
Республика DOTS
маркази директори.

Ўзбекистонда DOTS дастурини татбиқ этилиши, % (1998-2005 йй.)



DOTS дастури билан қамраб олишининг йиллар давомида ор-тиб бориши билан рўйхатга олинаётган ва DOTS дастури бўйича даволанаётган бемор-лар сони ошиб борди. Дастур-нинг узоқ жойларда яшовчи аҳоли орасига кириб бориши, умумий амалиёт тизимидagi ис-лохотлар ва лаборатория хиз-мати фаолиятининг яхшилани-ши, йилдан йилга аниқланаёт-ган беморлар сонининг орти-шига ва улари орасида мусбат суртмали беморларнинг кўпроқ аниқланишига асос бўлди. Ҳозирги кунда янги аниқланган ўпка сили беморлари орасида мусбат суртмали беморлар сони 43 %ни ташкил этмоқда. Ушбу тоифа касаллари қанчал-лик кўпроқ аниқланиб, улари эрта даволаса мамлакатдаги сил касаллиги бўйича эпидеми-ологик ҳолат яхшиланади.

Ўзбекистонда DOTS дастури бўйича даволанган янги аниқланган беморлар сони (1998-2005 йй.)



Ҳали республикада ЖССТ то-монидан қўйлаётган даволаш натижаси бўйича глобал мақсад-га (самарали даволаш – 85 %) эриша олмаётган бўлсак ҳам, лекин секин-аста йиллар даво-мида самарали даволанган бе-морлар сони ортиб бормоқда ва ушбу кўрсаткич 2004 йилда рўйхатга олинган мусбат сурт-мали янги аниқланган беморлар орасида 79,3 %ни ташкил этди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги то-монидан барча дорилар бепул, узлуксиз етказиб берилишига қарамай, самарали даволанган беморлар сони пастдир. Бунинг асосий сабаби тарбибни бузиб, даволашни тугатган беморлар сонининг кўплиги ва беморлар умумий амалиёт тизимида кеч аниқланишидир. Бу муаммони ҳал этишнинг асосий йўли аҳоли орасида сил касаллиги ҳақида-ги маълумотларни тўғри қилишдир.

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
2005 йил 27 декабрь
631-сонли буйруғига 1-илова
**Стандарт таъриф
бўйича ҳисобга
олинадиган айрим
юқумли касалликларнинг
рўйхати**

1. Улат
2. Туляремия
3. Куйдирги
4. Бруцеллез
5. Конго Крим геморрагик
иситмаси
6. Буйрак синдроми билан
кечадиган геморрагик исит-
ма..
7. Чинчечак
8. Ботулизм
9. Кана энцефалити

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
2005 йил 27 декабрь 631-
сонли буйруғига 2-илова

**Айрим юқумли
касаликларни аниқлаш
ва ҳисобга олишда
уларнинг стандарт
таърифларини қўллаш
бўйича йўриқнома**

Касалликнинг стандарт
таърифи – объектив ва ке-
лишилган мезонлар йиғинди-
си бўлиб, тиббиёт ходими
бemorда рўйхатга олиб ва
хабар қилинадиган касаллик
бор йўқлигини шу стандарт
асосида аниқлайди. Бemor-
даги касалликни аниқлаш ме-
зонлари касалликларнинг
асосий симптомларини, клин-
ик белгиларини, лаборатория
текширув натижаларини
ва эпидемиологик маълумот-
ларини ўз ичига олади.

Касалликка берилган таъ-
рифнинг қандайлиги эпиде-
миологик назоратнинг сез-
гирлиги ва махсуслигини
(специфичлиги) таъсир
қилади. Таъриф қанчалик
кенг бўлса эпидемиологик
назоратнинг сезгирлиги
шунчалик юқори бўлади ва
аксинча, касаллик таърифи
қанчалик аниқ бўлса шунча-
лик сезгирлик паст бўлиб,
эпидемиологик назоратнинг
махсуслиги оша боради.
Эпидемиологик назоратнинг
сезгирлиги ва махсуслигини
бир йўла таъминлаш учун ка-
салликларнинг таърифидан
учта категориялар (томфал-
лар) фарқланади. Категория-
ларга бўлиш касалликни
турли даражадаги аниқлик
билан таснифлашга имкон
беради.

* Бemorдаги касаллик
бўйича тахмин хулоса (тах-
мин тахмин);

* Бemorдаги касаллик
бўйича дастлабки хулоса
(ахтимо тахмин);

* Бemorдаги касаллик
бўйича тасдиқланган хулоса
(тасдиқланган тахмин);

Маълум бир касаллик
бўйича тахмин хулоса (тах-
мин тахмин) қилиш учун
ушбу касалликнинг кенг таъ-
рифидан фойдаланилади.
Касалликда учрайдиган бар-
ча симптомлар ва белгилар
ушбу касалликнинг клиник
мезонлари сифатида таъ-
рифга киритилади. Тахмин
деб ҳисобланган касаллик
лаборатория тасдиғига эга
эмас, чунки текширувлар да-
вом этипти, текширув ман-
фий натижа берган ёки тек-
ширув ҳали бажарилмаган.

Маълум бир касаллик
бўйича дастлабки хулоса
(ахтимо тахмин) қилиш учун
қўшимча мезонлар сифати-
да таърифга қўйидагилар ки-
ритилади: 1) тахмин хулоса-
га асос бўлган барча клиник
белгилари борлиги, 2) эпи-
демиологик маълумотлар, 3)
ва/ёки иккиламчи аҳамиятга
эга лаборатория текширув-
лар натижаси ёки лаборато-

рия текширувининг дастлабки
маълумотлари, 4) махсус тек-
ширувларнинг ижобий бўлиши,
аммо хулосани узил-кесил тас-
диқлаш учун лаборатория маъ-
лумотлари етишмайди.

Бemorдаги касалликка тас-
диқланган тахмин қўйиш (ла-
боратория текширувлари асо-
сида тасдиқланган хулоса) бу
махсус (специфик) лаборато-
рия текширувлари натижасида
ушбу касаллик (ёки яқин ора-
да касал бўлиб ўтганлигини)
узил-кесил тасдиқланганини
билдиради.

Бemorдаги касалликни аниқ-
лашда юқорида қайд этилган
учта категорияларни қўллаш
бemorлар мурожаат қилган
пайтда рўйхатга олиш зарур
бўлган касалликни шифокор
аниқлашига, сўнг, эпидемио-

тасдиқланган деб албатта
қўрсатади.

5. Даволочи шифокор бе-
мордан клиник ва/ёки лаборато-
рия текшириб, эпидемиологик
қўшимча маълумотларни йи-
ғиб, қўйидагиларни бажариши
лозим:

- бemorдан қўшимча маълу-
мотлар олиниши натижасида
касаликнинг таърифига қараб
аниқланган касаллик бўйича
тахмин, дастлабки ёки тасдиқ-
ланган деб охириги хулоса чи-
қаради;

- тахминнинг аниқлангани
ёки ўзгаририлгани ҳақида Со-
ғлиқни сақлаш вазирлигининг
2005 йил 13 декабрдаги 630-
сонли буйруғида қўрсатилган
тартибда шовилинч хабарно-
ма йўллайди. Хабарномада бе-
мордаги касаллик тахлил қили-
ниб, узил-кесил ҳал қилинган

* қон томирларда тарқоқ қон
иши синдроми (ДВС) белги-
лари ва тез ривожланган оғир
геморрагик пневмония, кучли
нафас етишмовчилиги ва куй-
идаги қўрсатилган камида учта
белгиларнинг бўлиши:

* ўпка шиши;
* кўкракда оғрик (плеврит-
да кузатилади);
* ўпкада инфильтратлар
(клиник ва/ёки рентгенограм-
мада);

* плеврал бўшлиқда суюк-
лик;

* қонли балғам
ва/ёки

* медиастанал лимфа тугун-
ларининг катталашishi (ора-
лиқнинг рентгенограммада
кенгайishi).

**Куйдиргининг ичак
(абдоминал) шакли (A22.2)**

АЙРИМ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ ТИЗИМИДА СТАНДАРТ ТАЪРИФЛАРНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш

вазирлигининг 631-сонли буйруғи

Тошкент шаҳри, 2005 йил 27 декабрь

логик маълумотлар ва лаборато-
рия текширувларининг нати-
жаси олинган сохта мусбат
ҳолларни (ассосиз рўйхатга
олинганларни) ажратиб ташла-
шга имкон беради. Хар бир
касаликнинг стандарт таъри-
фидан фойдаланиш касаллик-
ларни бир хил системада
рўйхатга олишга, рўйхатга
олишни унификация қилишга
имкон яратди. Шифокор клин-
ик диагноз қўйишда, даво бу-
ришда стандарт таърифга ки-
ритилмаган қўшимча клиник ва
лаборатор маълумотлардан
фойдаланиши мумкин.

**Касалликларнинг
таърифи бўйича баъзи
юқумли касалликларни
рўйхатга олиш тартиби**

1. Ўзбекистон Республикаси
ҳудудидида фаолият қўрсата-
ётган, тасарруфидида даволаш-
профилактика ва санитария-
профилактика муассасалари
мавжуд вазирликлар, таши-
лотлар, идоралар, бошқа но-
давлат жамоат ташкилотлари
ҳамда тиббий фаолият билан
шуғулланётган барча корхона,
ташкилот, бирлашма ва муас-
сасалар ҳамда хусусий тиббий
фаолият билан банд шифокор-
лар ва ўрта тиббиёт ходимла-
ри шу йўриқномага итоат
этишга мажбурдирлар.

2. Йўриқнома ушбу буйруқ
тасдиқланган кундан эътиборан
қўлغا кирган ҳисобланади.

3. Шифокорлар, ўрта тибби-
ёт ходимлари рўйхатда қўрса-
тилган ва ушбу буйруқ билан
тасдиқланган юқумли касал-
ликларни аниқлашда ҳамда
рўйхатга олишда касалликлар-
нинг стандарт таърифидан
қўлланма сифатида фойдала-
надилар.

4. Стандарт таърифга мос
келувчи ва шунинг учун рўйхат-
дан ўтказиш лозим бўлган
юқумли касал аниқланганда
шифокор ёки ўрта тиббиёт хо-
димини қўйидагиларни бажари-
ши лозим:

- бemorнинг касаллиги сан-
дарт таърифга мослигини
аниқлайди;

- бemorнинг касаллиги ушбу
буйруққа илова қилинган тас-
нифдаги стандарт мезонларга
қараб тахмин, дастлабки ёки
тасдиқланган деб аниқлайди;

- Соғлиқни сақлаш вазирли-
гининг норматив ҳужжатлари-
да қўрсатилган тартибда шо-
шилинч хабарномани тўлдир-
ади ва йўллайди. Хабарномада
бemorдаги касаллик бўйича ху-
лоса тахмин, дастлабки ёки

ни ва касаллик бўйича хулоса
тахмин, дастлабки ёки тасдиқ-
ланган деб албатта қўрсатади.

6. Худудий ДСЭНМ эпиде-
миолог-врачларининг вазифа-
лари:

- стандарт таърифларга мос
келувчи касалликлар аниқлан-
гани ҳақида маълумотларни
тўла ва ўз вақтида йўллашини
ижросини назорат қилишни
Соғлиқни сақлаш вазирлиги
норматив ҳужжатларида қўрса-
тилган тартибда амалга оши-
риш;

- касалликларнинг стандарт
таърифини қўллаб, уларни тас-
нифлаш бўйича шифокор ва
ўрта тиббиёт ходимларига кон-
султиш ва амалий ёрдам
қўрсатиш.

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
2005 йил 27 декабрь 631-сонли
буйруғига 3-илова

**АЙРИМ ЮҚУМЛИ
КАСАЛЛИКЛАРНИ
ТАСНИФЛАШ БЎЙИЧА
ЙЎРИҚНОМА**

Куйдирги

Касаллик таснифи

**Куйдиргининг тери
шакли (A22.0)**

Бemorда куйдиргининг тери
шакли деб тахмин қилишга
қўйидаги белгилар асос бўла-
ди:

касаликнинг ўткир бошла-
ниши ҳамда бemorда иситма
ва интоксикация аломатлари
бўлиши ва маҳаллий ўзгариш-
лар:

бemorнинг терисидида оғрик-
сиз бирламчи аффе́кт, яъни те-
рида маҳаллий ёки тарқоқ шиш
билан қўйида қўрсатилган би-
рорта ривожланиш босқичида-
ги ўзгаришлар аниқланади:

* Папула (туғунча);

* Пустула (пуфакча);

* Яра (яра ясси, туби қуриқ
қора кўтир билан қопланган,
яранинг таги шиши, атрофла-
ри қизарган);

* Қора кўтир (қаткалок).

**Куйдиргининг ўпка
(пневмоник/медистеналь)
шакли (A22.1)**

Бemorда куйдиргининг ўпка
шакли деб тахмин қилишга қўй-
идаги белгилар асос бўлади:

касаликнинг ўткир бошла-
ниши, ринорея, томоқда оғрик
бўлмасдан оғир кечиши ва
қўйидаги қўрсатилган белги-
лардан камида иккитаси куза-
тилиши:

* баланд иситма;

* мушакларда оғрик;

* инфекция токсик шок;

Бemorда куйдиргининг ичак
шакли, деб тахмин қилишга
қўйидаги белгилар асос бўла-
ди:

касаликнинг ўткир бошла-
ниб оғир кечиши, юқори исит-
ма, инфекция токсик шок ва
қон томирларда тарқоқ қон
иши синдроми (ДВС) кузати-
лиши

ва
қўйида қўрсатилган белги-
лардан камида учтасининг
бўлиши:

* қоринда кучли оғрик;
* қонли диарея;
* қонли қусиш;
* асцит.

**Оғиз-томоқ
(орофарингал, анги́на)
шакли (A22.8 –
куйдиргининг бошқа
шакллари)**

Бemorда куйдиргининг оғиз-
томоқ шакли деб тахмин
қилишга қўйидаги белгилар
асос бўлади:

касаликнинг ўткир бошла-
ниб оғир кечиши, иситманинг
баландлиги ва инфекция токсик
шок ҳолати ва маҳаллий
ўзгаришлардан томоқда, қў-
пинча бир тарафлама оғир
яра-некротик яллиғланиш
(бирламчи аффе́кт) ва томоқ
соҳасида камида битта қўйи-
даги ўзгаришлар:

* яққол қўринган бир ёки
икки тарафлама бўйиндаги
шиш;

* бўйин лимфаденити.

**Куйдиргининг барча
клиник шакллари учун**

Бemorга куйдирги деб дас-
тлабки тахмин қўйиш қўйида-
гиларга асосланади:

бemorда куйдиргига тахмин
қилишга асос бўлган барча
белгиларнинг аниқланиши ва
қўйидагиларнинг камида бит-
тасининг топилиши:

бemor касал бўлишидан ол-
дин охириги 2 ҳафта ичиди ил-
гари куйдирги чиққан ҳудудда
(куйдирги касаллиги одамлар-
да ёки ҳайвонларда қай-
д қилинган) яшаши ёки бўлиши
ва камида куйдиргилардан
биттасининг аниқланиши:

* ҳайвонлар билан контакт-
да бўлганлиги ёки касал ҳай-
вонларни сўйишда қатнашган-
лиги;

* хом гўшти ушлаш ёки
яхши пиширилмаган гўшти
истеъмол қилганлиги;

* ҳайвон ёки ҳайвон махсу-
лотларини сотиб олиш, ташиш
ва қайта ишлашда қатнашган-
лиги;

* молхонани йиғиштиришда

қатнашганлиги;

* қон сўрувчи катта ҳаша-
ротинг қанқалиги (сле́пни);
* ер чопишда, қазилда
ёки тупроқ билан боғлиқ
бошқа ишларда қатнашган-
лиги;

* куйдирги касаллиги уч-
раб турган ҳудуддан келти-
рилган гўшт, тери билан кон-
тактда бўлганлиги;

* куйдирги тахмини аниқ-
ланган бemor билан эпи-
демиологик боғлиқлик;

* тери синамасининг мус-
бат бўлиши (эмланмаганлар
учун);

* бemorдан олинган сурт-
мани микроскопия қилганда
грамм мусбат (спора ва/ёки
капсулали) катта таёқча то-
пилиши.

Бemorга куйдирги деб
тасдиқланган (лаборатория
текширувлари асосида тас-
диқланган) тахмин қўйиш
қўйидагиларга асосланади:

бemorдан олинган клиник
материалларни текшириш
натижасида (пустуланинг
ичидаги суюқлик, кўтир ос-
тидан олинган тўқима суюқ-
лиги, тери ёки эндоскопик
биоптат, ликвор, плеврал су-
юқлик, балғам, қусиқ модда-
лари, наҳас) қўйидагилардан
камида биттасини аниқлаш:

* полимериз занжирли ре-
акцияда (ПЦР) мусбат нати-
жа;

* *Bacillus anthracis* культу-
расини ажратиб олиш;

* серологик реакциялар-
нинг мусбат натижаси (ИФА,
вестерн блот, токсин аниқ-
лаш, хроматографик текши-
риш, флуоресцент антитело-
лар услуби).

Ботулизм (A05.1)

Касаллик таснифи
Озик-овқат ёки

теридаги жароҳат (яра)

орқали юққан ботулизм

Бemorда ботулизм деб
тахмин қилишга қўйидаги
белгилар асос бўлади:

касаликнинг ўткир бошла-
ниши, иситма бўлмаслиги
ва бemorнинг онги равшан-
лиги, бош мия нервларининг
симметрик жароҳатланганли-
ги (марказдан пастга қараб
ривожланган симметрик ди-
стал параличлар кузатилиши
ёки кузатилмаглиги) ва ками-
да 5 та қўйидаги белги-
ларнинг аниқланиши:

* оғиз қакраши (ташна-
лик), «кўзга кум тушгандек»
хис этиш, бурун шиллиги-
нинг қуриши;

* битта нарса иккита
бўлиб қўриниши (диплопия),
хира қўриш, атрофи худди
туман қоплагандек сезиш;

* аккомодациянинг ва қўз
ҳаракати мушакларининг па-
резис ёки параличи, бир нуқ-
тага тикланган ниҳоз;

* миодриаз (кўз қорачи-
гининг кенгайishi);

* бош айланиши, гандирак-
лаб юриш;

* юмшоқ тангалй парали-
чи натижасида ютишининг бу-
зилиши (сув, овқат ютганда
тиклиши);

* ларингеал стаз ҳолати
(сўзларни аниқ ва тиниқ та-
лаффуз қила олмаслик, ман-
қаланиш, димоғи билан га-
пириш, товуш бўғилиши, ди-
зартрия);

* никоҳ қийган сингари
мимиксиз юз;

* қовоқларнинг осилиб
қолиши (птоз);

* нафас олиш мушакларининг
парезис ёки параличи,
нафас олишининг бузилиши.

Куйдирги белгилар

гўдак болаларда

ботулизм касаллиги

тахмин қилишга асос

бўлади:

1 ёшгача бўлган болада
(Давоми 5-бетда).

(Давоми. Боши 4-бетда).

касаликнинг ўткир бошланиши, иситма бўлмаслиги ва камида 5 та куйдаги белгиларнинг аниқланиши:

- * бола оғиз шиллиқларининг қуруқлиги;
- * уйқучанлик;
- * мимкасиз юз, мушаклар парези натижасида юзнинг ниқобсимон бўлиб қолиши;
- * мушаклар заифлиги, бола бошини ушлаб тура олмаслиги;
- * птоз;
- * кўкракни эмаётганда боланинг қийналиши, тикилиш, сутнинг бурун орқали қайтиб чиқиши;
- * иштаха пасайиши, иштахнинг йўқлиги;
- * нафас етишмовчилиги.

Беморга ботулизм деб дастлабки ташхис қўйиш учун куйдагилар асос бўлади:

ботулизмга тахмин қилишга асос бўлган белгилар беморда борлиги ва камида битта куйдаги маълумотнинг аниқланиши:

касалик бошланишидан бир неча соатдан то 7 кунгача бўлган давр ичида бемор куйдаги озик-овқат маҳсулотларини (уй шароитида тайёрланган) истеъмол қилганлиги:

- * сабзавот, гўшт, балиқ, ҳўл мева консервалари;
- * маринад қилинган кўзиқорин;
- * дудланган ёки тузланган балиқ;
- * қолбаса ёки дудланган чўчка гўшти.

- Кесилган, ёрилган, санчилган, ўқ тегишдан кейинги жароҳат ва очик суяк синишидан сўнг ботулизм касаллиги белгиларининг пайдо бўлиши;

- ботулизм деб тасдиқланган ташхис қўйилган бемор билан эпидемиологик боғлиқлик борлиги.

Беморга ботулизм деб тасдиқланган ташхис қўйишга куйдагилар асос бўлади:

* ботулин токсинини беморнинг қон зардобиди, нажасида, меъдани ювишда ажралган суюқликда, қусиги, бурундан олинган суртмада, теридаги жароҳатдан ажралган суюқликда ёки бемор истеъмол қилган шубҳали овқатда аниқланиши;

* бемор нажасидан, ошқозон суюқлигидан ёки жароҳат суюқлигидан Clostridium botulinum культурасининг ажратиб олиниши;

* полимераз занжирли реакция (ПЦР) ёрдамида беморнинг нажасида, меъда суюқлигида, шиллигидан ёки жароҳатдан ажратилган суюқликдан ижобий натижа олиш.

Бруцеллез (Кора оксок) (A23.9 Бруцеллез ноаниқ этиологияли)
Касалик таснифи
Ўткир бруцеллез

Беморда ўткир бруцеллез деб тахмин қилишга куйдаги белгилар асос бўлади:

касалик ўткир бошланиб, 5 кундан кўп давом этган тўлқинсимон баланд иситма бўлиши ва камида 4 та куйдаги белгиларнинг кузатилиши:

- * қалтираш ва кучли терлаш;
- * мадорсизлик, ҳолсизлик;
- * жигарнинг катталаниши;
- * суяк, бўгин, мушак, нерв тоаларининг огриши;
- * полиаденопатия.

Сурункали бруцеллез
Беморда сурункали бруцеллез деб тахмин қилишга куйдаги белгилар асос бўлади:

узоқ муддат (6 ойдан зиёд) давом этган сурункали, тўлқинсимон кечувчи касалик. Ушбу касалликка ўхшаш бошқа ташхислар инкор қилингандан сўнг куйдаги 5 та белгига амал қилинган:

- * тўлқинсимон, кўпинча субфибрил даражадаги иситма;
- * кучли терлаш ва қалтираш;
- * огриклар (невралгия, артралгия, миалгиялар);
- * артритлар, сакроилеитлар ва/ёки спондилоартритлар;
- * миоцитлар ва/ёки невритлар;
- * полиаденопатия;
- * жигар катталаниши;
- * жинсий аъзолар шикастланиши.

Бруцеллезнинг барча шакллари учун

Беморга бруцеллез деб дастлабки ташхис қўйишга куйдаги белгилар асос бўлади: бруцеллезга тахмин қилишга асос бўладиган белгиларнинг беморда бўлиши ва куйи-

ланд) ва кучли интоксикациянинг кузатилиши ва куйдагиларнинг биттаси ёки иккаласининг аниқланиши:

- бубон (лимфаденит ва периденит) битта ёки кўпроқ лимфатугунлар гуруҳида бўлиши ва бубонга камида 3 та куйдаги белгилар хослиги:
- * огрик;
- * пальпацияда бубоннинг зичлиги, қаттиқлиги;
- * лимфатугунлар кўзгалмаслиги;
